

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**«Банк ҳисоби ва аудит» кафедраси**

**Умаров З.А.**

**БАНКЛАРДА  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

Тошкент 2014

# Банк бухгалтерия ҳисоботлари

## 1-маъруза машғулоти

Режа:

1

- Банк ҳисоботларининг турлари ва уларни тузишнинг аҳамияти. Ҳисоботларни тузиш тамойиллари.

2

- Банк баланси ва уни тузиш тартиби.

## 1. Банк ҳисоботларининг турлари ва уларни тузишнинг аҳамияти. Ҳисоботларни тузиш тамойиллари.

Ҳўжалик субъекти молиявий аҳволи ҳақида энг тўлиқ маълумот тақдим этиш учун 1-сонли "Молиявий ҳисоботни тақдим этиш" Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МҲХС) қўлланилади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти асосида тузиладиган ва тақдим этиладиган умумий йўналишдаги молиявий ҳисоботнинг барча шаклларида, шу жумладан банкларда ҳам 1 -сонли БҲХС қўлланилиши шарт.

Жаҳон иқтисодиётида мавжуд бўлган вазият банкларнинг нақадар иқтисодий ҳолатга боғлиқ эканлигини, унда бўлаётган ҳар қандай ўзгариш банклар фаолиятига таъсир этмай қолмаслигини ва аксинча йирик тижорат банкларда бўлган инқирозлар бутун бир давлат иқтисодиётига таъсир кўрсатишини амалиёт исботлаб турибди.

Ушбу ҳолатда, банкларнинг эришаётган натижалари, уларнинг ҳолати ошкора, албатта қонунчилик доирасида акс эттирилиши аҳолининг, инвесторларнинг ишончини ортишига сабаб бўлади.

Банк фаолияти натижалари уларнинг молиявий ҳисобларида ўз аксини топади ва уларнинг тўғри тузилиши ҳамда тақдим этилиши муҳим ҳисобланади.

1-сонли БҲҲС: "Умумий йўналишдаги молиявий ҳисобот муайян маълумот олиш учун қўйиладиган алоҳида талабларга жавоб берадиган ҳисоботни талаб этиш имконияти бўлмаган фойдаланувчиларнинг талабларини қондириш учун тайёрланади. У алоҳида тақдим этиладиган ёки оммавий ҳужжатларнинг бир қисмини тақдим этадиган ҳисобот шакллари ўз ичига олади."

Молиявий ҳисоботлар - бу хўжалик бирликларни пул қийматидаги моделларидир.

Гарчи ҳисобот ишларнинг ҳақиқий ҳолатини тўлиқ акс эттира олмаса ҳам (ҳамма нарсани ҳам пул билан ўлчаш мумкин эмас), аммо бунга эришишда бухгалтер томонидан қилинган ҳаракатларнинг энг оқилонасиدير.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тўлиқ мажмуи қуйидагиларни ўз ичига киритади:

баланс ёки молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;

фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;

хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;

пул маблағларнинг оқими тўғрисидаги ҳисобот;

ҳисоб сиёсати ва тушунтириш хатлари.

Ҳисобот даври бўлиб 1 январдан 31 декабргача бўлган календар йил ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот банк акционерлари ва таъсисчиларига, Марказий банкга, солиқ идораларига, давлат статистика идораларига, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда бошқа идораларга тақдим қилинади.

Молиявий ҳисоботлар ҳар чорақда йил бошидан ўсиб боровчи якун билан тузилган ҳолда тақдим қилинади.

Молиявий ҳисоботнинг мақсади банкнинг молиявий аҳволи, фаолияти, молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдан иборат.

Бироқ молиявий ҳисобот иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчиларга зарур бўлган бутун ахборотни ўз ичига олмайди, чунки ҳисобот асосан аввалги воқеаларнинг натижаларини акс эттиради.

Молиявий ҳисобот қуйидагилар учун ҳам ахборотни сақлайди:

инвестиция қарорларини ва кредитлар беришга доир қарорларни қабул қилиш;

банкнинг бўлғуси пул оқимиغا баҳо бериш;


тижорат банкига ишониб топширилган ресурслар муносабати билан унинг ресурсларига, мажбуриятларига баҳо бериш;

банк бошқаруви ишига баҳо бериш.




## 2. Банк баланси ва уни тузиш тартиби.

- Бухгалтерия баланси - банк молиявий фаолияти натижаларини кўрсатувчи бухгалтерия ҳисоботининг асосий шаклидир.



Тижорат банкларининг  
бухгалтерия баланси бу  
банкнинг молиявий ва моддий  
маблағларининг пул  
ифодасида маълум бир  
санадаги ҳолати ва ҳаракати  
тўғрисидаги маълумотни  
ўзида акс эттирувчи махсус  
жадвалдан иборат.



Баланс ёрдамида банк фаолияти таҳлил қилинади ва назорат олиб борилади. Унда банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларининг ҳолати ифодаланади.

Банкларда турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлардан фарқли равишда баланс ҳар бир иш куни бўйича тузилади. Бундан ташқари ойлик, чораклик ва йиллик ҳисобот баланслари ҳам тузилади.

Баланс икки қисмдан, яъни актив ва пассив қисмлардан иборат. Актив ва пассив томонларнинг ўзаро тенглиги баланс тўғри чиқарилгани - банк иш куни тўлиқ яқунланганлигини билдиради.

Банк балансида қуйидаги тенглик ўринли ҳисобланади:

$$\text{Актив} = \text{Мажбуриятлар} + \text{Капитал}$$

Очиқ акционер-тижорат банк «Хамкорбанк»

Баланс

31 декабр 2011 йил ҳолатига (млн. сўм)

		<b>2011</b>
	<b>Активлар</b>	
1	Нақд пуллар ва уларнинг эквивалентлари	176012
2	Бошқа банклардаги маблағлар	18544
3	Мижозларга берилган соф кредитлар ва аванслар, молиявий лизингни ҳисобга олган ҳолда	290393
4	Инвестицион қимматли қоғозлар, сотиш учун мўлжалланган	16336
5	Солиқ талаблари	571
6	Асосий воситалар	17461
7	Номоддий активлар	1565
8	Бошқа активлар	1964
9	Жами активлар	522846

<b>Мажбуриятлар</b>		
1	Бошқа банкларнинг маблағлари	43795
2	Мижозлар маблағлари	351781
3	Муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	16780
4	Бошқа қарз маблағлари	32504
5	Фойда солиғи бўйича жорий мажбуриятлар	141
6	Бошқа мажбуриятлар	2617
	<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>447618</b>
	<b>Ўз сармояси</b>	
1	Устав капитали	31154
2	Эмиссион даромад	1309
3	Тақсимланмаган фойда	42765
	<b>Жами хусусий капитал</b>	<b>75228</b>
	<b>Жами пассивлар</b>	<b>522846</b>

**БАЛАНС ҲИСОБОТИ***(минг сўмда)*

<b>Т/р</b>	<b>Моддалар</b>	<b>Жорий йил</b>	<b>Ўтган йил</b>
	<b>Активлар</b>		
010	Нақд пуллар		
020	Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан (ЎзР МБ) олиши лозим бўлган суммалари		
030	Банкнинг бошқа банклардан олиши лозим бўлган суммалари		
040	Олди-сотди қимматли қоғозлари - Савдога мўлжалланган		
041	Олди-сотди қимматли қоғозлари - Савдога мўлжалланмаган		
050	Ҳосилавий молиявий воситалар		
060	Сотишга мўлжалланган мавжуд инвестициялар		
061	Сўндирилгунча сақлаб туриладиган инвестициялар		
070	Тескари РЕПО		
080	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар:		
081	Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси		
082	Соф кредитлар ва бўнақлар		
090	Молиявий ижара		
100	Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар		
101	Қўшма корхоналарга қилинган инвестициялар		
110	Гудвилл		
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)		
130	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)		
140	Бошқа хусусий мулк		
150	Солиқ талабномалари		
160	Бошқа активлар		

	<b>Мажбуриятлар</b>		
	<b>Депозитлар</b>		
181	Талаб қилиб олингунча сақланадиган		
182	Жамғарма		
183	Муддатли		
184	Депозит сертификатлари		
185	Ҳукуматга тегишли ҳисобварақлар		
190	<b>Жами: депозитлар</b>		
200	Марказий банкка тўланиши лозим бўлган суммалар		
210	Ҳукуматга тўланиши лозим бўлган суммалар		
220	Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган суммалар		
230	РЕПО ва бошқа қарз маблағлари		
240	Ҳосилавий молиявий воситалар		
250	Солиқ мажбуриятлари		
260	Бошқа мажбуриятлар		
270	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар		
<b>280</b>	<b>Жами: мажбуриятлар</b>		
	<b>Хусусий капитал</b>		
300	Оддий акциялар		
310	Имтиёзли акциялар		
320	(Сотиб олинган хусусий акциялар)		
330	Жами: Акциядорлик капитали		
340	Қайта баҳолаш захиралари		
350	Таксимланмаган фойда (жамланган дефицит)		
<b>360</b>	<b>Жами: хусусий капитал</b>		
<b>370</b>	<b>ЖАМИ: Мажбуриятлар ва хусусий капитал</b>		

- **Баланс ҳисоботида қолдиқларни сатрлар бўйича акс эттириш тартиби қуйидагича бўлади:**

- **1. Активлар**

- **1) 010-сатр "Нақд пуллар"** бўйича қуйидаги ҳисобварақлардаги қолдиқлар суммаси кўрсатилиши лозим:

- - айланма кассадаги нақд пуллар;
- - лимитдан ортиқча нақд пул маблағлари сверхлимитные наличные денежные средства;
- - чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари;
- - банкоматлардаги нақд пуллар.

- **2) 020-сатр "Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олиниши лозим бўлган суммалари"** бўйича қуйидаги ҳисобварақлардаги қолдиқлар суммаси кўрсатилиши лозим:

- - ЎзРМБдаги вакиллик ҳисобварағидан олиниши лозим бўлган - Ностро;
- - ЎзРМБнинг вакиллик ҳисобварағидан олиниши лозим бўлган - Востро, овердрафт;
- - ЎзР МБдан олиниши лозим бўлган нақд пуллар;
- - ЎзР МБдаги мажбурий захирадан олиниши лозим бўлган суммалар;
- - ЎзР МБдан олиниши лозим бўлган депозитлар;
- - ЎзР МБга берилган кредитлар ва бўнақлар;
- - олиниши лозим бўлган фоизлар.

- 3) **030-сатр "Банкнинг бошқа банклардан олиши лозим бўлган суммалари"** бўйича қуйидаги ҳисобварақлардаги қолдиқлар суммаси кўрсатилиши лозим:
  - - бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақларидан олиниши лозим бўлган - Ностро;
  - - бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан олиниши лозим бўлган - Востро, овердрафт;
  - - бошқа банклардан олиниши лозим бўлган нақд пуллар;
  - - бошқа банклардан олиниши лозим бўлган депозитлар;
  - - бошқа банкларга берилган кредитлар ва бўнақлар (қисқа муддатли, узок муддатли);
  - - олиниши лозим бўлган фоизлар.
  - Ушбу сатрда соф қолдиқ, яъни кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш бўйича ташкил этилган захиралар айирилган ҳолда кўрсатилиши лозим.
- 4) **Олди-сотди қимматли қоғозлари** дисконт (мукофот) суммаси, ҳаққоний қиймат бўйича тузатишлар ва улар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси айирилган ҳолда, шунингдек улар бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда (яъни 040 ёки 041-сатрга қўшган ҳолда) кўрсатилиши лозим.

- 5) **Ҳосилавий молиявий воситалар** ҳаққоний қиймат ҳисобга олинган ҳолда, шунингдек ушбу молиявий воситаларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган операциялар бўйича харажатларни ("олди-сотди қимматли қоғозлари" сифатида ёки "олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозлар"ни хеджирлаш сифатида таснифланган ҳосилавий молиявий воситалар бўйича харид қилиш харажатлари бундан мустасно) ҳисобга олган ҳолда (яъни 050-сатрга қўшган ҳолда) кўрсатилиши лозим.
- 6) **Сотишга мўлжалланган мавжуд инвестициялар** дисконт (мукофот) суммаси, ҳаққоний қиймат бўйича тузатишлар ва улар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси айирилган ҳолда, шунингдек инвестицияларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган операциялар бўйича харажатларни, улар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда (яъни 060-сатрга қўшган ҳолда) кўрсатилиши лозим.
- 7) **Сўндирилгунча сақлаб туриладиган инвестициялар** дисконт (мукофот) ва улар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси айирилган ҳолда, шунингдек инвестицияларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган операциялар бўйича харажатларни ва улар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда (яъни 060-сатрга қўшган ҳолда) кўрсатилиши лозим.
- 8) **070-сатр "Тескари РЕПО"** бўйича РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар билан операциялар натижалари бўйича қолдиқлар суммаси улар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси айирилган ҳолда кўрсатилиши лозим.

- 9) **080-сатр "Мижозларга берилган кредитлар ва бўнаклар"** бўйича банк томонидан берилган қисқа муддатли, узоқ муддатли кредитлар, ушбу кредитлар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар бўйича қолдиқлар суммаси акс эттирилади, шунингдек кредитларни тақдим этиш билан бевосита боғлиқ бўлган операциялар бўйича харажатлар суммаси киритилади.
- 10) Кредитлар ва дебиторлик қарзи, жумладан кредит бериш бўйича мажбурият бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захиралари қолдиқлари суммаси **081-сатр "Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захиралари"** бўйича кредит портфели сифатининг таснифига мувофиқ кўрсатилиши лозим.
- 11) 080-сатр ва 081-сатр ўртасидаги фарқ сифатида миждозларга берилган кредитлар ва бўнакларнинг нетто-қолдиғи **082-сатр "Соф кредитлар ва бўнаклар"** бўйича кўрсатилади.
- 12) Банк томонидан берилган молиявий ижара бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобварақлар қолдиғи суммаси, шунингдек ушбу ижара бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар, ижара бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси айирилган ҳолда **090-сатр "Молиявий ижара"** бўйича кўрсатилиши лозим.
- 13) **Қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарга қилинган инвестициялар** улар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси айирилган ҳолда 100 ва 101-сатрлар бўйича акс эттирилиши лозим.

- 14) Компанияларни харид қилишда юзага келадиган гудвилл, ҳар қандай қадрсизланиш суммаси айирилган ҳолда **110-сатр "Гудвилл"** бўйича акс эттирилиши лозим.
- 15) **Асосий воситалар** ва **Номоддий активлар** соф баланс қиймати бўйича, яъни улар бўйича жамланган эскириш (амортизация) айирилган ҳолда кўрсатилиши лозим.
- 16) **150-сатр "Солиқ талабномалари"** бўйича солиқлар бўйича жорий бўнак тўловлари суммалари ҳамда вақтинчалик фарқлар бўйича тан олинган, кечиктирилган солиқ талабномалари суммалари қолдиғи, кечиктирилган солиқ талабномаларининг қадрсизланиши захираси чегирилган ҳолда акс эттирилади.
- 17) Бошқа дебиторлик қарзлари, олдиндан тўланган харажатлар, олиниши лозим бўлган дивидендлар, омбордаги захиралар ва бошқа активлар суммаси **160-сатр "Бошқа активлар"** бўйича кўрсатилиши лозим. Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси мавжуд бўлган бошқа активлар ушбу захира чегирилган ҳолда акс эттирилиши лозим.
- 18) **170-сатр "Жами: Активлар"** бўйича 010 дан 160 гача бўлган барча сатрларнинг умумий йиғиндиси, 080 ва 081-сатрлар чиқарилган ҳолда кўрсатилади.

- **2. Мажбуриятлар**

- 1) 181 дан 185 гача бўлган сатрлар қолдиғи умумий суммаси, жумладан улар бўйича тўлаш учун ҳисобланган фоизлар **190-сатр "Жами: Депозитлар"** бўйича кўрсатилади.

- 2) **200-сатр "Марказий банкка тўланиши лозим бўлган суммалар"** бўйича қуйидаги ҳисобварақлар бўйича тўланиши лозим бўлган суммалар қолдиғи кўрсатилади:

- - ЎзР Марказий банкидаги вакиллик ҳисобварағига тўланиши лозим бўлган - Востро;

- - ЎзР Марказий банкидаги вакиллик ҳисобварағига тўланиши лозим бўлган - Ностро, овердрафт;

- - ЎзР МБга тўланиши лозим бўлган депозитлар;

- - ЎзР МБга тўланиши лозим бўлган қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар, шунингдек

- - тўлаш учун ҳисобланган фоизлар.

- 3) **210-сатр "Ҳукуматга тўланиши лозим бўлган суммалар"** бўйича ҳукуматга тўланиши лозим бўлган қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар ва улар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизлар ҳамда тўланиши лозим бўлган бошқа ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар суммаси акс эттирилади.

- 4) 220-сатр "Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган суммалар" бўйича қуйидаги ҳисобварақлар бўйича тўланиши лозим бўлган суммалар қолдиғи кўрсатилади:

- - бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига тўланиши лозим бўлган - Востро;

- - бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақларига тўланиши лозим бўлган - Ностро, овердрафт;

- - бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган - Депозитлар;

- - бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар, шунингдек

- - бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган суммалар бўйича тўлаш учун ҳисобланган фоизлар.

- 5) 230-сатр "**РЕПО ва бошқа қарз маблағлари**" бўйича РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар бўйича, шунингдек тўланиши лозим бўлган кредитлар бўйича, ЎзР МБ, бошқа банклар ва ҳукуматга тўланиши лозим бўлган кредитлардан ташқари, тўланиши лозим бўлган қарз маблағлари суммалари қолдиғи кўрсатилади.

- 6) **Ҳосилавий молиявий воситалар** ҳаққоний қиймат бўйича тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда кўрсатилади ва тўланиши лозим бўлган фоизларни ўз ичига олади.

- 7) **250-сатр "Солиқ мажбуриятлари"** сатри бўйича солиқлар бўйича жорий мажбуриятлар суммаси ҳамда вақтинчалик фарқлар бўйича тан олинган, кечиктирилган солиқ мажбурияти суммаси акс эттирилади.
- 8) Товар-моддий қимматликлар учун, ходимлар билан ҳисоб-китоблар бўйича, кечиктирилган даромадлар бўйича, тўланиши лозим бўлган дивидендлар, мижозларнинг бошқа депозитлари, бошқа ҳисобланган харажатлар, ижарага доир мажбуриятлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобварақлар қолдиқлари суммаси **260-сатр "Бошқа мажбуриятлар"** бўйича акс эттирилади.
- 9) **Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар** улар бўйича дисконт (мукофотлар) чегирилган ҳолда **270-сатрда** кўрсатилади.
- 10) **280-сатр "Жами: Мажбуриятлар"** бўйича 190 дан 270 гача бўлган сатрлар қолдиқларининг умумий йиғиндиси акс эттирилади.
- **3. Хусусий капитал**
- 1) **Оддий акциялар** ва **Имтиёзли акциялар** тўланган қиймат бўйича, яъни уларни чиқаришда юзага келадиган қўшимча капитални ҳисобга олган ҳолда кўрсатилиши лозим.
- 2) **Сотиб олинган хусусий акциялар** тўланган капиталнинг умумий суммасидан харид қиймати бўйича чегириб қолиш сифатида акс эттирилади.
- 3) **330-сатр "Жами: Акциядорлик капитали"** сатри бўйича 300 ва 310 сатрлар умумий суммасидан 320-сатр чегириб қолингандан кейинги натижа кўрсатилади.

- 4) Асосий воситалар ва номоддий активларни қайта баҳолаш захираси бўйича, сотиш учун мўлжалланган мавжуд инвестицияларни қайта баҳолашдан, шунингдек хорижий шуъба хўжалик жамиятлари молиявий ҳисоботларини қайта ҳисоблашда юзага келадиган курс фарқларидан пайдо бўлган захиралар бўйича қолдиқлар суммаси 340-сатр "Қайта баҳолаш захиралари" бўйича акс эттирилиши лозим.
- 5) 350-сатр "Тақсимланмаган фойда (жамланган дефицит)" умумий захира ҳисобга олинган ҳолда акс эттирилиши лозим.
- 6) 330 дан 350 гача бўлган сатрларнинг умумий йиғиндиси **360-сатр "Жами: Хусусий капитал"** бўйича акс эттирилиши лозим.
- 7) 280 ва 360 - сатрларнинг умумий йиғиндиси **370-сатр "Жами: Мажбуриятлар ва хусусий капитал"** бўйича акс эттирилиши лозим.

# Банк бухгалтерия ҳисоботлари

## 2-маъруза машғулоти


Режа:

- 1 • Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.
- 2 • Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.
- 3 • Акциядорлик капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот.
- 4 • Банк ҳисоботларига иловалар.

## 1. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ундан фойдаланувчиларга тижорат банкининг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни баҳолашга имкон беради, уларни ҳисобот даврида қанча пул тушгани ва қанча пул чиққани тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди.

Бошқа молиявий ҳисоботлар билан бирга фойдаланиш чогида Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ахборотлари молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун тижорат банкининг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини жалб этиш қобилиятини баҳолашга база бўлиб хизмат қилиши билан фойдалидир.



Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот пул тушумлари ва тўловларини учта асосий тоифага ажратади:


операция  
фаолияти

инвестиция  
фаолияти

молиявий  
фаолият

Ҳар уч тоифанинг пул маблагига биргалиқда таъсири ҳисобот даврида пул маблагининг соф ўзгаришини белгилаб беради.

Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ахборот бўлажак пул оқимлари прогнози тўғрилигини текшириш чогида, фойда олиш ва пул оқимларининг соф ҳаракати ва нарх ўзгариши таъсири ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилиш чогида зарур бўлади.




Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот - ҳисобот даврида пул маблағи оқимларини батафсил кўрсатувчи кўрсаткичлар йигиндиси.

Операция фаолияти - тижорат банкининг даромад келтирувчи асосий фаолияти, шунингдек субъектнинг инвестиция ва молия фаолиятига оид бўлмаган ўзга хўжалик фаолияти.

Инвестиция фаолияти - пул эквивалентларига киритилмаган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш ва сотиш.

Молия фаолият - тижорат банкининг фаолияти бўлиб, унинг натижасида ўз маблағи ва қарз маблағлари миқдори ва таркибида ўзгаришлар юз беради.



Тижорат банки банкда мавжуд бўлган, лекин гуруҳ фойдалана олмайдиган муҳим пул маблағлари ва пул эквивалентлари қолдиги миқдорини раҳбариятнинг тушунтириши билан бирга очиб бериши лозим. Тижорат банкининг пул оқими билан унинг бўгинлари ўртасидаги алоқаларни тушуниш учун пул оқимлари бўгинлар бўйича очиб берилиши лозим. Хўжалик фаолиятининг мазкур турида умуман пул оқими ҳаракати билан унинг айрим таркибий қисмлари ўртасидаги алоқани аниқлаш учун пул оқимларининг бўгинлардаги ҳаракатларини очиб кўрсатиш зарур.

Банк молиявий ҳолатининг соғломлигини шарти бўлиб, пул маблағларининг кирими, банкнинг мажбуриятларини қоплай олишидир. Минимал миқдордаги пул маблағларининг етишмаслиги молиявий ҳолат танглигига сабаб бўлади. Ортиқча маблағларга эга бўлиш инфляция натижасида пулни қадрсизланишига, ҳамда ортиқча маблағлардан самарали фойдаланишга йўналтирмаслик натижасида қўшимча даромад ололмаслиги мумкин. Шу боис пул маблағларини рационал бошқаришни доимо назорат қилиш - акциялар ва заёмлар, шунингдек бошқа тушумлар ва тўловлар.

## 2. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот тижорат банкининг ҳисобот давридаги молиявий фаолиятини кўрсатади ва бу фаолиятнинг турли жиҳатларини тушунишга имкон берадиган усулдан иборат бўлади.

Тижорат банкларининг ўз фаолиятларини олиб боришдан асосий мақсади юқори даромад олишга қаратилган. Бу даромадларни кўпайтириш йўллари тижорат банклари ўзлари мустақил равишда белгилайдилар

Тижорат банкида «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот шаклида  
 молиявий натижаларни шакллантириш (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2011 йил
1	Фоиз даромади	122858
2	Фоизли харажатлар	-63222
3	Соф фоиз даромади	59637
4	Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарларни (баҳолаш) қайта тиклаш	-11554
5	Захирани баҳолаш чегириб ташланганидан кейинги соф фоиз даромади	48083
6	Фоизсиз даромад	72723
7	Операцион харажатлар	-107868
8	Даромад (фойда) солиғидан олдинги соф фойда (зарар)	12938
9	Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	-1344
10	Соф фойда (зарар)	11594

"А" банк Форма 0204IS

«Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот 31.12.2012 учун

Валюта: Сўм Ўлчов бирлиги.: Сўм

Код	Формула	Ҳисобварақ номи\тавсифи	Жорий йил
10	20 дан 140	Жами фоизли даромадлар	1 355 057 395,29
20	40200	ЎзРМБидаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар	0,00
30	40400	Бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар	0,00
40	40600	Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар	0,00
50	40700	Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар	0,00
60	40800	Сотиб олинган векселлар бўйича фоизли даромадлар	0,00
70	41000	Мижозларнинг мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар	0,00
80	41200	Банкнинг тўланмаган акцептлари юзасидан миждозлар мажбуриятлари бўйича фоизли даромадлар	0,00
90	41400 дан 44600	Берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар	1 349 527 837,66
100	44700	Суд жараёнидаги кредитлар бўйича фоизли даромадлар	4 843 669,59
110	44800	Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар	0,00
120	44900	Бошқа фоизли даромадлар	0,00
130	45000	Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар	0,00
140	45100	Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар	685 888,04


150	160 дан 230	Жами фоизли харажатлар	483 307 856,73
	50100 дан		
160	51100	Депозитлар бўйича фоизли харажатлар	205 959 562,70
170	51600	ЎзРМБининг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар	0,00
		Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар	0,00
180	52100		
190	52600	Банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлар	0,00
	53100 дан		
200	54100	Олинган кредитлар бўйича фоизли харажатлар	157 488 340,79
		Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар	
210	54200		698 630,12
		Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар	0,00
220	54300		
230	54900	Бошқа фоизли харажатлар	119 161 323,12
240	10-150	СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАД	871 749 538,56
		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0,00
250	56802		
		Захирани баҳолаш чегириб ташланганидан кейинги соф фоиз даромади	
260	240-250		871 749 538,56

270	280 дан 330	Жами фоизсиз даромадлар	1 143 606 019,89
280	45200	Комиссион даромадлар	1 035 400 865,39
290	45400	Хорижий валюталардаги фойда	5 474 885,68
300	45600	Тижорат операцияларидан олинган фойда	0,00
310	45700	Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар	0,00
320	45800	Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар	0,00
330	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	102 730 268,82
340	260+270	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	2 015 355 558,45
350	360 дан 410	Жами фоизсиз харажатлар	291 723 598,94
360	55100	Тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари	288 479 735,26
370	55300	Хорижий валюталарда кўрилган зарарлар	3 099 850,83
380	55600	Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар	0,00
390	55700	Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан кўрилган зарарлар	0,00
400	55800	Инвестициялардан кўрилган зарарлар	0,00
410	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	144 012,85
420	340-350	ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛМАГАН ҲОЛДА СОФ ДАРОМАД	1 723 631 959,51

430	440 дан 510	ЖАМИ ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	1 305 817 432,95
440	56100	Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	931 162 189,14
450	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	107 647 161,40
460	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	1 390 482,50
470	56400	Маъмурий харажатлар	40 376 461,05
480	56500	Репрезентация ва хайрия	77 053 108,79
490	56600	Эскириш харажатлари	51 877 802,58
500	56700	Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	96 310 227,49
510	56800, 56802 дан бошқа	Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0,00
520	420-430	Даромад (фойда) солиғидан олдинги соф фойда (зарар)	417 814 526,56
530	56900	Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	54 052 464,62
540	520-530	ҲИСОБОТ ДАВРИДА СОФ ФОЙДА(ЗАРАР)	363 762 061,94

Бошқарувчи

Бош бухгалтер



Банк молиявий фаолияти натижасида олинган фойда (зарар) 31200 – «Тақсимланмаган фойда» баланс ҳисобварағи доирасида қуйидаги иккинчи тартибли ҳисобварақларда акс эттирилади: 31203 – «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)»; 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)».

Олдинги молиявий йиллар давомида банк фаолияти натижасида олинган тақсимланмаган фойда (зарар) лар ҳисоби 31203 – «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» баланс ҳисобварағида юритилади.

Ушбу ҳисобварақнинг кредитида 31206 - «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» баланс ҳисобварағидан ўтказилган банкнинг соф фойдаси суммаси, ҳамда заҳира капитали ҳисобварағидан тақсимланмаган фойдага ўтказилган суммалар акс эттирилади.


Ҳисобварақнинг дебетида 31206 - баланс ҳисобварағидан ўтказилган зарарлар, эълон қилинган дивидендлар, ҳар хил фонд (жамғарма)ларга ажратма суммалари акс эттирилади. Аналитик ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

Ҳисобот йилида банкнинг молиявий фаолиятдан олинган соф фойда, ҳамда ушбу давр давомида элон қилинган дивидендлар ҳисоби 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» баланс ҳисобварағида юритилади.

Ушбу ҳисобварақнинг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда суммаси, 31203 - «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» баланс ҳисобварағига ўтказилган зарарлар суммаси, ҳамда нотўғри эълон қилинган дивидендларнинг қайтарилиши акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган зарарлар, 31203 - «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» баланс ҳисобварағига ўтказилган фойда, эълон қилинган дивидендлар, ҳамда заҳира капиталига ўтказилган суммалар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб соф фойда ва дивидендлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.




Жорий йилнинг соф  
фойдаси қуйидагича  
аниқланади:

а) Ҳисобот даврининг  
якунида даромад  
ҳисобварақлари ёпилганда  
қуйидаги бухгалтерия  
ўтказмаси берилади:


- Дт 4xxxx – тегишли даромад ҳисобварақлари,
- Кт 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)».

б) Ҳисобот даврининг  
якунида харажат  
ҳисобварақлари ёпилганда  
қуйидаги бухгалтерия  
ўтказмаси берилади:

- Дт 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)», Кт 5xxxx – тегишли харажатлар ҳисобварақлари.
- Ҳисобот йилиниг якунида (31 декабр) «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағи қолдиғи қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан ёпилади: Дт 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)», Кт 31203 – «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)».



Тижорат банклари молиявий ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда даромадлар ва харажатлар турлари ёки фаолият турлари бўйича тасниф қилиш йўли билан даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиб бериши керак.



Харажатларни фаолият турлари бўйича тасниф қиладиган тижорат банклари харажатларнинг турлари бўйича қўшимча ахборотни, жумладан эскириш (амортизация) харажатларини, ходимларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни, хом ашё ва халқ истеъмоли молларидан фойдаланиш харажатлари бўйича қўшимча ахборотларни очиб беришга мажбурдир.

### 3. Акциядорлик капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот.

Акциядорлик капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш мақсади бўлиб, хусусий капиталнинг ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган ҳолати ва ҳисобот даври мобайнида унинг таркибидаги ўзгартиришлар ҳақидаги ахборотни очиқ бериш ҳисобланади.

№		Устав сармояси	Қўшилган сармоя	Сотиб олинган акциялар	Жами акционерлик сармояси	Заҳиралар	Тақсимланмаган фойда	Жами ўз сармояси
010	Ўтган йил 1 январь ҳолатига қолдиқ - қайта ҳисоблашдан олдин	19648631		0	19648631	0	8192439	27841070
020	Ҳисобга олишдаги ўзгаришлар самараси, солиқлар чиқариб ташланганида				0			0
030	қайта ҳисобга олгандан кейин	19648631		0	19648631	0	8192439	27841070
040	Даврда пайдо бўлган:				0			0
041	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - адолатли баҳо бўйича соф фойда (зарар), солиқлар чегириб ташланганидан кейин				0			0
042	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича заҳира				0			0
050	Суммаларни кўчириш				0			0
051	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - фойда (зарар)га кўчириш, солиқлар чегириб ташланганидан кейин				0			0
052	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича заҳирадан кўчириш				0			0

060	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги хисоботда тан олинмаган соф фойда / (зарар)	0	0	0	0	0	0	0
070	Соф фойда							
080	Тан олинган соф фойда / (зарар)	0	0	0	0	0	5149046	5149046
090	Оддий акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йилдаги дивидендлар					0	-1850000	-1850000
100	Имтиёзли акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йилдаги дивидендлар					0	-180000	-180000
110	Конвертацияланадиган облигациялар - улуш компоненти					0		0
120	Ўзининг сотиб олинган акцияларини харид қилиш/сотиш					0		0
130	Акциялар чиқариш							
140	Жами: жорий йил 1 январига қолдиқ	19648631		0	19648631	0	11311485	30960116

15 0	Даврда пайдо бўлган:							
15 1	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - адолатли баҳо бўйича соф фойда (зарар), солиқлар чегириб ташланганидан кейин				0			0
15 2	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захира				0			0
16 0	Суммаларни кўчириш				0			0
16 1	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - адолатли баҳо бўйича соф фойда (зарар)га кўчирма, солиқлар чегириб ташланганидан кейин				0			0
16 2	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захирадан кўчирма				0			0
17 0	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда / (зарар)	0	0	0	0	0	0	0
18 0	Соф фойда				0			
19 0	Тан олинган соф фойда / (зарар)				0		1063662	1063662

200	Ўтган йил учун оддий акциялар бўйича ўтган йилдаги дивидендлар				0			
210	Ўтган йил учун имтиёзли акциялар бўйича ўтган йилдаги дивидендлар				0		-180000	-180000
220	Конвертацияланадиган облигациялар - улуш компоненти				0			0
230	Ўзининг сотиб олинган акцияларини харид қилиш/сотиш				0			0
240	Акциялар чиқариш	36000000	0		36000000			36000000
250	Бошқа банкларга берилган филиаллар						-540132	-540132
260	Жорий йилнинг 31 декабридаги қолдиқ	55648631		0	55648631	0	11655015	67303646


## 4. Банк ҳисоботларига иловалар.

Тижорат банкининг молиявий ҳисоботига  
изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда:


тижорат банкининг молиявий ҳисоботини тузишда ва унинг ҳисоб сиёсатида танлаб олинган ва қўлланилаётган асос тўғрисидаги ахборот бўлиши лозим

БҲМС талаб қилувчи, ҳеч бир жойда молиявий ҳисоботда кўрсатилмаган ахборотни очиб бериш

молиявий ҳисоботда келтирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва тўғри тасаввур этиш учун зарур бўлган қўшимча таҳлилий ахборотни келтириш лозим.



Молиявий ҳисоботларга тушунтиришлар мунтазам равишда тушунтириш хати тарзида бўлиши керак. Тушунтиришлардаги ахборот молиявий ҳисоботда келтирилган тегишли моддаларга боғлиқ равишда тақдим этилиши лозим.



Тушунтириш одатда шундай тузиладики, у фойдаланувчига молиявий ҳисоботларни яхшироқ англаб етишда ва уларни бошқа тижорат банкиларнинг молиявий ҳисоботи билан қўйидагича қиёслашига ёрдам беради:

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқлиги ҳақидаги ҳисобот;

улчов асоси ва бухгалтерия ҳисобида қўлланилаётган сиёсат тўғрисидаги ҳисобот;

молиявий ҳисоботда келтирилган моддалар учун ёрдамчи ахборот.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш асоси ва бухгалтерия ҳисоби бобидаги махсус сиёсат ҳақидаги ахборот молиявий ҳисоботга изоҳлар олдида алоҳида ҳисобот тарзида келтирилиши керак. Тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган ҳисобот шаклларига қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

а) 19997-"Бошқа активлар» ҳисобварағи, 29802 - "Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағи, 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварақларининг қолдиқлари бўйича қайдномаси маълумотномалари;

б) аниқланиши лозим бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича ўтказилган суммалар қайдномаси. Шунингдек, қайдномага 17301- «Транзит ҳисобварағи», 23202 - "Клиринг трансакциялари", 17305 ва 23206- "Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар" ҳисобварақлари бўйича қолдиқда турган ҳар бир сумма киритилади. Юқорида айтилган ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаса, бу ҳақда баланс ҳисоботида ёзиб қўйилади. Ушбу ҳисобот шакли ва қайдномалари банк раҳбари ҳамда бош бухгалтер томонидан имзоланади. Касса операциялари бўйича ҳисоботларга, улардан ташқари катта кассир ёки касса мудири имзо чекадилар.